

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЧОҒИДА ОЛИНГАН ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ**

Уразбоев Жавохирбек Марат ўғли

Тошкент давлат юридик университети

Жинойий одил судлов факультети талабаси

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

Телефон рақам: +998 97 929 09 29

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал қонунчилигида процесс иштирокчилари – жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги далиллар мақбуллиги масаласидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар таҳлил қилинган. Мақола мавзусига доир масалалар қонунчиликдан келиб чиқиб ўрганилган. Шунингдек, мақолада мавзуга доир шахсий фикрлар берилган.

Калит сўзлар: хавфсизлик, жиноят процессида хавфсизлик, жиноят процесси иштирокчилари ҳавфсизлиги, ҳимоя қилиш, давлат ҳимояси.

**“ADMISSIBILITY OF EVIDENCE OBTAINED IN THE COURSE OF ENSURING THE SAFETY OF
PARTICIPANTS IN CRIMINAL PROCEEDINGS”**

Urazboyev Javoxirbek Marat o'g'li

Student of the Faculty of Criminal Justice

Tashkent State University of Law

Tashkent, Republic of Uzbekistan

Telephone: +998 97 929 09 29

Abstract:

This article analyzes the existing legal gaps in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan concerning the admissibility of evidence obtained in the process of ensuring the safety of participants in criminal proceedings, including victims, witnesses, and other persons. The issues related to the subject matter of the article are examined on the basis of legislative provisions. In addition, the article presents the author's personal viewpoints and analytical considerations regarding the topic under study.

Keywords: security, security in criminal proceedings, safety of participants in criminal proceedings, protection, state protection.

**“ДОПУСТИМОСТЬ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ, ПОЛУЧЕННЫХ В ПРОЦЕССЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
БЕЗОПАСНОСТИ УЧАСТНИКОВ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА”**

Уразбоев Жавохирбек Марат ўғли

Студент факультета уголовного правосудия Ташкентского государственного юридического университета г. Ташкент, Республика Узбекистан Телефон: +998 97 929 09 29

Аннотация:

В данной статье анализируются существующие правовые пробелы в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан, касающиеся допустимости доказательств, полученных в процессе обеспечения безопасности участников уголовного судопроизводства, включая потерпевших, свидетелей и иных лиц. Вопросы, относящиеся к тематике статьи, исследуются исходя из положений действующего законодательства. Кроме того, в статье представлены авторские взгляды и аналитические соображения по рассматриваемой проблематике.

Ключевые слова: безопасность, безопасность в уголовном процессе, безопасность участников уголовного судопроизводства, защита, государственная защита.

Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш борасида баланд парвоз гапларни гапириб, амалдаги қонун нормаларни келтириб бу борада барча қонун нормалари мавжуд ёки (хаммаси аъло даражада) дейишдан чекиниб, ушбу мавзуга оид креатив ва танқидий фикрлар баён қилинади. Бу масалани ечиш ва ойдинлик киритиш учун авваламбор жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш бу нима ўзи ?, бу бизга нима беради ?, хавфсизликни таъминлаш керакми?, бу борада етарли ишлар қилинганми?, айнан бу сохада қонунга қўшимча ўзгартиришлар киритиш керакми?, жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш тизими яратилганми? деган саволларга ечим топиш лозим.Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш адолатли судловнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Бироқ, ушбу хавфсизликни таъминлаш мақсадида қўлланиладиган чоралар далилларни тўплаш ва тақдим этиш жараёнига таъсир қилиши мумкин. Шу боис, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоғида олинган далилларнинг мақбуллиги масаласи амалиётта долзарб масала ҳисобланади. Ушбу мавзу далилларнинг процессуал қонун талабларига мувофиқ тўпланганлигини, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари таъминланганлигини ва далилларнинг ишончлилиги сақланганлигини таъминлаш зарурлигини кўрсатади. Мазкур ишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида хавфсизлик чораларининг далиллар мақбуллигига таъсири, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари таҳлил қилинади. Тўғри, бизнинг давлатимиз ҳуқуқий демократик давлат, бизнинг юртда қонун устувор, охирги йилларда мухтарам Президентимиз томонидан суд ва ҳуқуқ ислоҳотлари борасида кўплаб ишлар амалга оширилган ва бу борада кўплаб қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Жиноят процесси иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш борасида қонун нормаларига қўшимча ўзгартиришлар киритилган. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Лекин бу далилларнинг мақбуллиги талабларига зид келмаслиги керак. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлиги барча босқичда муҳим ҳисобланади. Мисол тариқасида шуни айтиб ўтиш жоизки, жиноят процесси иштирокчилари суд мажлисига келмасдан туриб ҳам уларнинг хавфсизлиги таъминланади. Чунки суд мажлиси жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра, аудио ва видеоёзувдан ҳамда видеоконференсалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Ушбу норма жиноят процессуал кодексида мустаҳкамланган. Яъни процесс иштирокчиларининг шахсини сир сақлаш

мақсадида уларнинг кўрсатувлари видеоконференция орқали олиниши мумкин. Албатта, ушбу холларда процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилиниши керак. Масалан, видеоконференция ўтказиш тартиби, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқларининг таъминланиши шулар жумласидандур.

Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашда асосий мақсад:

- авваламбор процесс иштирокчиларининг соғлиги, ҳаёти ва бошқа хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан иборат (жиноят процесси иштирокчиларининг оила аъзоларига, мулкига ёки мулкига бўлган ҳуқуққа бўлган таҳдид ва бошқалар);
- уларнинг хавфсизлигини таъминлашдан мақсад ўз вазифаларига ситқи дилдан ҳалол ва виждонан ёндашиши ёки процесс иштирокчиларининг бор ҳақиқатларини ва адолатни юзага чиқариш;
- бунинг натижасида тергов органлари томонидан адолатли қарор, суд органлари томонидан адолатли ҳукм чиқарилишига олиб келади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан биридир;
- жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва адолатли қарор қабул қилишга эришиш ва фуқароларнинг қонунга итоаткор бўлиши, қонунлар уларни ҳимоя қилинишига ишониши ва ушбу руҳда тарбияланишига олиб келади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда далиллар мақбуллиги ҳақида гап кетганда, ушбу таҳдид юзага келган вақтдан бошлаб, ушбу борадаги аризани қабул қилишдан тортиб то уларни расмийлаштириб, хавфсизлигини таъминлаб, лозим топилса хавфсизлигига таҳдид солган шахсларга нисбатан жавобгарликка тортиш жараёнларидаги барча далил ва процессуал ҳужжатларни қонуний расмийлаштириш ҳақида гап кетади. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлиги борасидаги ҳуқуқлари бузилганда, уларга нисбатан реал таҳдид юзага келганлиги ёки ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилганлиги, уларнинг оила аъзолари ёки мулкларига нисбатан тажовуз қилинган ҳолатлар оқибатлари келиб чиққанидан кейин ҳаракат қилиш, бу “ёниб бўлган оловни сув билан ўчириш”га тенгдир.

Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги дастлабки хабар ёки мурожаат бўлганда, зудлик билан муносабат билдириш ва қонуний ечимини топиш ўта долзарб масаладир. Агарда ушбу борадаги мурожаат келиб тушсаю қонунда белгиланган “10 кунлик муддатда аризангиз кўриб чиқилади” ёки “1 ойда жавоб берамиз” деган мазмундаги муносабат бўлса, юқорида баён қилинганидек, ушбу муддатларда унинг ҳуқуқлари паймол бўлади. Шунинг учун жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқ ва қатъий тизим яратилиши шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси

Жиноят процессуал кодексининг 380-моддасининг учинчи қисмида “Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисида чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг таҳаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишлари мумкин” деб кўрсатилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 14.01.2019 йилдаги қонунида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунингдек, амалга

ошириш субъектлари ва уларнинг қонуний ҳимояга эга эканлиги кўрсатилган. Хаттоки, Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва бошқа иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида”ги низомида ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, 24-сонли 24.08.2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленумининг қарорининг иккинчи бандида далиллар мақбуллигининг шартлари кўрсатилган. Унга кўра, далил тегишли субъект томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддаси иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт. Далиллар мақбуллигига таалуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига ҳам амал этилмаслиги далилнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлади. Демак, далилларни мақбул деб топишимиз учун юқорида кўрсатилган 4 та шартга риоя қилишимиз керак, шундагина олинган далиллар мақбул ҳисобланади.

Хозирги замон шиддат билан тез ривожланмоқда, янгидан-янги жиноятлар пайдо бўлмоқда, янгидан-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда, янгидан-янги жиноят процесси хавфсизлигига таҳдид соладиган усуллар пайдо бўлмоқда. Буни биз “киноларда кўрганимиздек бўлмоқда” ёки “бунга ижтимоий тармоқлар сабаб бўлмоқда” деб айбни қидириш нотўғридир. Фикримизча, биз гўёки бир қадам орқадимиз. Нима учун? “тасаввур қилинг, янгидан-янги усуллар, жиноятлар пайдо бўлмоқда ушбу қилмиш хаттоки жиноят кодексида белгиланмаган. Терговчилар уларнинг ҳаракатларини қайси модда билан квалификация қилишга ҳайрон. Бу борада қонун чиқарувчи ушбу қилмишни жиноят деб топиб, қонунга қўшимча ўзгартириш киритгунга қадар қанча қилмишлар латент бўлиб қолмоқда”. Бу борада биз жиноятчилардан бир қадам олдинда юришимиз керак. Шу ўринда, мавзуга оид айрим танқидий фикрлар ва таклифлар мавжуд. Бу балки нотўғридир, бу балки жуда кўп маблағ талаб қилинадиган жараён дир, бу балки кўп вақт талаб қилинадиган холат дир. Лекин ушбу соҳага озгина бўлса ҳам туртки берувчи фикрларим инобатга олинса бу мақола орқали ўз мақсадимга эришган ҳисобланаман.

1. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ушбу борада далиллар мақбуллигига эришиш мақсадида аниқ тизим яратиш;
2. Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш борасида қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш (масалан, “Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга, ушбу ҳақида мурожаат келиб тушганда зудлик билан хавфсизлигини таъминлаш ва ижрога қаратиш шунингдек, масъул бўлган шахсларни назоратга олиш, ЖПКга кўра ушбу мурожаатлар келиб тушган вақтда зудлик билан масъул бўлган шахсга топшириш, уни кўриш муддатлари, тезкор гуруҳ ёки раҳбар назоратига олиш, хавфсизлигини таъминлаш борасида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларни ўтказиш, далилларни ўз вақтида расмийлаштириш ушбу ишларни сир сақланишини таъминлаш ва ҳоказолар);
3. Жиноят процесси иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш борасида алоҳида махсус бўлим ташкил қилиш ва уларнинг вазифасига терговчи қарори ва суднинг ажрими билан белгиланган йўналиш ёки ҳудудда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини юклатиш (ИИБ қошида ёки Миллий гвардия қошида ташкил қилиш);

4. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида ўзлари ва оила аъзоларини кундалик харажатларини қопланиши ва одатий хаёт кечиришлари учун шароит яратиш, керак бўлса педагогик ва психологик мутахассислар жалб қилиш;

5. Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш борасида хавфсизлигига таҳдид солган шахсларга нисбатан аниқ конкрет харажатлари учун алоҳида модда кўрсатилиб, жавобгарлик кучайтирилган ҳолатда жазо белгилаш.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳозирда аризаچини шахсини яшириб (“А” исмли шахснинг аризасига асосан) кўрсатиш, ёпиқ суд мажлиси процессларида ўтказиш, жиноят ишида сирни ошкор қилмаслик ёки унинг хавфсизлигини таъминлаш учун бошқа ҳудуддан ВКС орқали сўроқ қилиш ҳозирда бор амалда ишлаб келаётган усуллардан биридир. Бундан ташқари, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида қонуний бошқа усулларни жорий қилиш керак. Масалан, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус белгиланган хонадан кўринмас ойна орқали овозни ўзгартириб кўрсатма берилиши, ёпиқ суд мажлисида процесс иштирокчиларидан ташқари бошқа ҳудуддаги суд залида суд процесси ўтказиш ва ҳоказолар.

Жиноят процессида иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Ҳозирдан шу нарсаларга эътибор қаратиб миллий ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб ушбу ҳолатларни ечимини топиш шартдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 14.01.2019 йилдаги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва бошқа иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида”ги низоми;
4. 24-сонли 24.08.2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленумининг қарори;
5. “Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни.